

Ота-бола муносабати



08:10 / 07.01.2020 3217

Абдуллоҳ ибн Робиъадан ривоят қилинади: «Атаба ибн Фарқад Абдуллоҳга: «Эй Абдуллоҳ, биродарингнинг ўғлига гапириб қўймайсанми, менинг ишимга ёрдам берсин», деди ўз ўғлини назарда тутиб. Абдуллоҳ унинг ўғлига: «Эй Амр, отангга итоат қил», деди-да, ўтирган Муаззидга қараб қўйди. Шунда Муаззид Абдуллоҳга: «Уларга итоат қилма, (ёлғиз) Аллоҳга сажда (ибодат) қилиб, Унга яқин бўл», деди. Шунда Амр: «Отажон, мен қулман, озод бўлиш учун ишлайман. Озод бўлишим учун иш қилишимга қўйиб беринг», деди. Атаба ибн Фарқад йиғлаб юборди ва: «Ўғлим, мен сени икки муҳаббат туфайли яхши кўраман. Бири Аллоҳга муҳаббат бўлса, иккинчиси отанинг боласига муҳаббати туфайли», деди. Амр эса: «Отажон, сиз менга етмиш минг дирҳамга етадиган мол бердингиз. Мана ўша дирҳамларингиз, керак бўлса, олинг. Агар сизга керак бўлмаса, рухсат берсангиз, уни сарфлаб юборай», деди. Атаба ўғлига: «Сарфлаб

юборавер», деди. Шунда Амр дирҳамларнинг барчасини тарқатиб юборди, бир дирҳамни ҳам олиб қолмади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан